

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Х.МУХАММЕДОВА</b>	
Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>К.КАРИМОВ</b>	
Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
<b>У.НОСИРОВА</b>	
Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари .....	80
<b>Н.АХМАДЖОНОВ</b>	
Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир .....	83
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА</b>	
Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари .....	86
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА</b>	
Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала .....	89
<b>Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА</b>	
Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
<b>Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ</b>	
Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
<b>А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ</b>	
Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар .....	97
<b>У.НАЗИРОВ</b>	
Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
<b>А.КОСИМОВ</b>	
XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	
Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги .....	105
<b>А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА</b>	
Концептнинг тоифалари.....	108
<b>К.ХОДЖАХАНОВА</b>	
Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
<b>Б.ҚУРБОНОВА</b>	
Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
<b>Н.МЕРГАНОВА</b>	
Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
<b>Э.ДЖАББАРОВА</b>	
Модуляр таълим инновацион таълим сифатида .....	118
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ</b>	
Ўзлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари .....	121
<b>АДАБИЙ ТАҚВИМ</b>	
<b>Ибратли ҳаёт йўли.....</b>	124
<b>ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
<b>Библиография.....</b>	127

УДК: 371+73/.76+75

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА НАТУРАДАН РАСМ ИШЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

**К.Ходжаханова**

### **Аннотация**

*Мақолада ўқувчиларга натурадан расм ишлашни ўргатиш, уларнинг тасвирий санъат борасидаги билим ва малакаларини ўстириш муаммолари тадқиқ этилган.*

### **Аннотация**

*В статье исследованы проблемы обучения учащихся рисованию с натуры, повышению их знаний и развитию навыков в сфере изобразительного искусства.*

### **Annotation**

*In this article the problems of teaching students painting from life, developing their knowledge and skills on the fine arts are studied.*

**Таянч сўзлар ва иборалар:** мактаб ўқувчилари, натура, тасвирий санъат, расм, педагогика, таълим, ривожлантириш.

**Ключевые слова и выражения:** школьники, натура, изобразительное искусство, рисунок, педагогика, обучение, развитие.

**Keywords and expressions:** schoolchildren, real life, fine arts, drawing, pedagogy, education, development.

Халқимиз маънавияти ва маданиятини бойитишда тасвирий санъатнинг ўрни беқиёс. Ҳозирги даврда ҳар соҳада бўлгани каби, тасвирий санъатда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Республикаимизнинг келажакда буюк мамлакатга айланиши, жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилишида халқимиз маданияти, маърифати, санъати ва маънавиятининг роли беқиёсдир. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлаган эди: «Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақамлашни талаб этмоқда. Бинобарин бу ҳол таълим тарбия, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга, жамулжам ёндошишни тақозо қилмоқда». Демак, республикаимизда таълим ва тарбия, илм ва фан тараққиёт суръатини ошириш учун малакали мутахассис ходимлар зарур.

“Инсон табиятан ижодкор рассомдир. У ўз ҳаётини доимо бирон-бир тарзда гўзал қилишга интилади”, деган эди машҳур шоирлардан бири.

Биз санъатнинг аввало эстетик эҳтиёжларни қондириши, халқнинг ўзига хизмат қилиши лозимлигини чуқур ҳис этамиз. Бу инсон ижод қилгандагина, санъат асарлари яратгандагина санъаткор бўлиб қолмай, уни идрок этаётганида ҳам ижодкор эканлигини тушунишимизга ҳам ёрдам беради. Шунинг бугунги кунда ёшларни бойлигимиз - санъат асарларини идрок этиш ва таҳлил қила

олишга ўргатиш муҳим заруриятга айланди.

Шу боис ҳозирда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва хайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳаларни халқнинг маънавий эҳтиёжларига, замон талабларига мос ҳолда тадбиқ этишни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Айниқса, барча даврларда ҳам ғоят мураккаб масъулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, бу соҳада янги йўлларни очиб бераётган, одамларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта кунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим.

Бу ҳақда гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, ана шу соҳа вакиллари, яъни ўқитувчи ва мураббийлар, ёзувчи ва журналистлар, кино ва театр аҳли, мусиқачилар ва рассомлар, умуман, зиёлиларимиз халқимиз учун янги вақелик бўлмиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамият олдидаги маънавий бурчини чуқур ҳис этган ҳолда, ўз истеъдод ва маҳоратини аямасдан астойдил меҳнат қилмоқдалар.

*К.Ходжаханова – Низомий номидаги ТДП тадқиқотчи.*

Натижада умумий ўрта таълим мактабларидаги барча ўқув фанлари қатори «Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси» ҳам тайёрланди ва у Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги коллегиясининг 1993 йилги 5 май кунги қарори билан тасдиқланди. Мазкур концепцияда қайд қилинганидек, уни тайёрлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинган эди:

– мустақил Ўзбекистон шароитидаги келажак авлодни шакллантиришга бўлган замонавий талаблар;

– таълим-тарбияни миллий маданият ва санъат асосида амалга оширишни кучайтириш;

– таълим-тарбияни амалга оширишда Ўзбекистон Шарқ мамлакати эканлигини ҳисобга олиш ва шу асосда бадиий таълим мазмунига тегишли ўзгартишлар киритиш;

– мактабдаги бадиий таълимни амалга оширишда болаларни фикрлашга, ишга ижодий муносабатда бўлишликни кучайтириш, уларни юксак дид ва маданиятли қилиб шакллантиришга қаратиш;

– мактабда болаларни тасвирий санъатдан билим ва малакаларни пухта эгаллашларига қаратиш, шу асосда табақалаштирилган бадиий таълимни жорий этиш [1].

Тасвирий санъат машғулоти ўқувчиларнинг бадиий ижодкорлигини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бўлажак рассом ўқитувчи тасвирий санъатнинг ифода воситалари ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиши, турли бадиий материалларнинг хусусиятлари ва уларнинг фойдаланиш йўллари муккамал эгаллаши керак. Ўқитувчи қалам ва бўёқлар билан расм ишлаш малакаларига эга бўлиш билан бирга, шу соҳадаги назарий ҳамда амалий билимларини ўқувчиларга еткази олиши зарур.

Ҳозирги кунда замонавий тасвирий санъат дарсларида таълим бериш предметининг махсус вазифалари қаторида:

- бадиий маданият кўринишлари ва уларнинг ижтимоий турмушимиздаги ролини тушунишни ривожлантириш;

- ўқувчиларда тасвирий санъат ва бадиий адабиёт асарларига тегишли эмоционал фикр юритишда, тасвирий санъатга бўлган қизиқишини ва уни севишини тарбиялаш;

- доимий ва мақсадга мувофиқ равишда кўриб фикр юргизишини, ранглар ва ҳажмларини сезишни, композиция маданияти, фазовий фикрлаш, фантазияни, кўриш орқали фикрлаш ва комбинация қилиш ижодий вазифаларни конкрет образларда еча билишини ривожлантириш каби вазифаларини кўриш мумкин [2].

Юқорида кўрсатилган вазифаларни лойиқ амалга оширишда тасвирий санъатнинг жамиятимиз турмушидаги олиб борадиган функцияларининг илмий асослари юксак натижалар беради.

Ўқувчилар расм ишлашларида, буюмлар ва нарсалар шаклини, формасини, характерини ўзлаштириш санъатнинг бошқа жиҳатларини ва турларини ўрганишдаги дастлабки сабоқлардир. Лекин бу натюрморт санъат сифатида фақатгина бошланғич вазифа бўлиб қолади, деган маънони бермайди. Ваҳоланки, натюрмортнинг санъат даражасида яратилиши ўзига хос мураккаб ва катта мактабни талаб қилади.

Натюрмортда тасвирланаётган (мустақил акс эттирилади ёки картиналарда асар мазмунини бойитадиган ва тўлдирадиган) буюмлар ўз эгасининг феъл-атворини, қизиқишларини ёритишга ёки буюмларнинг шакли, ранги, фактураси, тузилишидаги ритмик, динамик ҳолатларни кўрсатишга қаратилган.

Натюрморт чизишдан олдин хомаки қораламаларнинг тус ва ранг ечимларини топиш зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолда олдин композициянинг чизма тасвири, кейинчалик эса ранг ёки графикаси устида ишлаш мумкин. Иш жараёнининг қизиқарли босқичларидан бири – бу, натурадан яратиладиган картина учун тасвирий ашёлар чизишдир. Ўқувчилар атроф-муҳитни кузатиб, ўрганар экан, мавзу учун керакли бўлган қизиқарли, шу билан бирга ўзига хос вақеаларни, айниқса, характерли хусусиятга эга бўлган ҳодисаларни материал сифатида тўплаш билан бирга уйда, кўчада натурадан хомаки қоралама чизадилар.

Натюрморт ишлашда етарли тажрибага эга бўлгач, уни турли ҳолатларда, яъни уфқ чизиғидан юқорида ёки пастда ҳам қўйиб тасвирлаш мумкин.

Силлиқ юзали жуда ялтироқ бўлмаган атрофдаги турли ранглارни ўзида акс эттирувчи буюмларни ишлаш мақсадга мувофиқдир. Ялтироқ шишани ишлаш бир мунча оғир, шунинг учун уни рангли сувга тўлдириб қўйилса, иш анча осонлашади. Натюрморт ишалашда табиий мева сабзавотлардан фойдаланиш яхши натижа беради, лекин уларни 2-3 сеансда тезлик билан тугатиш керак. Анор, маккажўхори, қовоқлардан бутун қиш давомида қўйилма сифатида фойдаланиш мумкин. Сизни кундалик турмушингизда ўраб турган оддий уй-рўзғор буюмлари чиройли ва мазмунли натюрморт ишлаш учун беминнат хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг ишига тўғри раҳбарлик қила олиш учун ўқитувчи рангтасвир

асосларини пухта эгаллаши, рангшунослик назариясини кунт билан ўрганиши керак. Чунки, фақат реалистик рангтасвирнинг назарий асосларини эгаллаш ва изчиллик билан машқ қилиш натижасидагина уларни саводли расм ишлашга ўрганиш мумкин [3].

Ҳаққоний рангтасвир негизида ҳажмдор нарсаларнинг уч ўлчовга эга эканлигини кўра олиш ва сурат текислигида тўғри ифодалаб бериш малакаси ётади.

Натюрмортнинг кўп рангли тасвирини яратиш ифода воситаларини яна ҳам мукамалроқ билишни талаб этади. Ранглар воситасида натюрмортнинг ҳаққоний тасвирини ифодалаш учун қўйилган нарсаларнинг шакли ва рангини ўзаро боғланишда, яхлит кўриш ва идрок этишга ўрганиш керак.

Натюрмортнинг кўп рангли тасвирини ишлаш нарсаларнинг тон ва ранг нисбатларини топиш уларни ўзаро таққослаб бориш орқали амалга оширилади. Текисликда жойлашган нарсаларни солиштириб, улардан ҳар бирининг катта-кичиклиги, табиий рангдаги оч-тўқлигини, ранг-тусларини аниқлаш мумкин. Бунда айрим нарса қисмларини бутунга нисбатан солиштириб кўришни ҳам унутмаслик керак. Кўз ўткирлиги унчалик тараққий этмаган одам учун ана шу таққослаш ҳам анча қийинчилик туғдиради. Чунки кўриш идрокнинг хусусияти туфайли барча нарсаларни бир вақтда кўрсак ҳам бир текисда идрок қилолмаймиз. Қўйилган нарсалардан фақат биттаси (кўриш майдонининг марказидагиси) яққол кўринади, чунки диққатимиз унга қаратилган бўлади.

Натюрмортнинг рангтасвирини бошлашдан аввал унинг умумий тони қанақа бўлиши, қандай ранглар гаммасидан фойдаланиш мумкинлигини ҳал қилиш керак. Натюрморт ранг-тасвирини бажаришда, дастлаб рангларнинг ўз кучидан бир оз сустроқ қилиб қўйган маъқул, чунки иш давомида баъзи ўринларни қисман очроқ ёки чуқур сояларни тўқроқ тасвирлашга тўғри келиб қолади. Айтайлик, мусиқада куй бир текисда таралиб туриши, маълум вақтда авжга чиқиши ва куй жаранглаб кетиши мумкин. Шунга ўхшаш рангтасвирда ҳам баъзи ерларда рангни «жаранглатиш» керак бўлади. Шунинг учун бошида рангнинг оҳанги пастроқ олинса

(лекин ранг ўз сифатини йўқотадиган даражада суст бўлиши), керак вақтда уни тўқлаштириш осон бўлади.

Ранг нисбатларини аниқлашда ва тасвирлашда, умумийдан хусусийга қараб боришга одатланиш керак. Натюрмортнинг асосий нисбатларини, масалан, фон ва стол юзаси ўртасидаги предметларнинг бир-биридан фарқи тўғри топилса, тасвирда нарсаларнинг фазовий ҳолати ва материали аниқ сезилади. Дастлабки ранглар қатламни қўйиш ҳам, ундан кейинги бошқичлар ҳам, айна шу натюрмортнинг умумий колоритини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Бинобарин, натуранинг умумий тоналлигини ва ранг бирлигини тўғри тушуниш ва шунга мос равишда ифодалай олиш лозим.

Ийрик пландаги предметларнинг оч-тўқлиги нисбатларини аниқлаб олгач, рангдор нарсаларда ёруғ-сояларнинг нозик товланишини ифодалашга, яъни бўёқлар билан ҳар бир предметнинг ёруғ, яримсоя, соя, рефлексларини синчиклаб ишлашга ўтилади; чунки рангтасвирда тон нисбатларини кўрсатиш билан бирга, нарсаларнинг ранглари орасида худди натурадаги каби боғланиш бўлишига эришиш зарур. Агар натурада қандайдир бир нарсанинг ранги бошқаларидан ёрқин, тўйинган бўлса, тасвирда ҳам у бошқа рангларга нисбатан ёрқин бўлиши керак.

Нарсаларнинг ёруғ қисмида унинг материали ва фактураси аниқ кўринади, шунинг учун бундай ҳолатда бир йўла керакли оҳангдаги бир оз қуюқроқ эритма билан қоплаш ва ишни қуруқроқ мўйқалам билан бажариш мумкин.

Нарсаларнинг соя қисмини ифодалашда эса бўёқни қатламлар билан қўйиб, аста тўқлаштириш орқали керакли оҳангни топиш усулини қўллаш мумкин. Соя қисмда нарсанинг чегаралари унчалик аниқ кўринмагани учун «намлигича» ишлаш усулини қўллаш ўринли, яъни ранглар бир-бирига ўтиши натижасида бутун натюрмортда майин уйғунлик юзага келади.

Юқорида келтирилган тавсиялар асосида шуни таъкидлаш жоизки, натюрморт рангтасвирнинг қизиқарли томонларини бизга очиб бера олади ва ўқувчилардаги нарсалар ҳажминини сезиш қобилиятини шакллантиради.

#### Адабиётлар:

1. Ҳасанов Р. Тасвирий санъатни ўқитиш методикасидан амалий машғулотлар. – Т., 2006
2. Маждидов Ж. Мактабда тасвирий санъат бўйича ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш. – Т., 1995.
3. Ойдинов Н. Аждодларимиз санъати ва эътиқоди. – Т., 1992.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).